

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12. 2019.Fil/Ped. 83.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЛОВА ОЙСУЛУВ ПОЁН ҚИЗИ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ОИЛА” БОШ ЛЕКСЕМАЛИ
МАҚОЛЛАР СЕМАНТИКАСИ ВА СТРУКТУРАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Уралова Ойсулув Поён қизи

Инглиз ва ўзбек тилларида “оила” бош лексемали мақоллар семантикаси ва
структураси 3

Уралова Ойсулув Поён қизи

Семантика и структура пословиц с ключевой лексемой “семья” в
английском и узбекском языках 23

Uralova Oysuluv Poyon qizi

Semantics and structure of the proverbs with the key lexeme “family” in the
English and Uzbek languages 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12. 2019.Fil/Ped. 83.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЛОВА ОЙСУЛУВ ПОЁН ҚИЗИ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ОИЛА” БОШ ЛЕКСЕМАЛИ
МАҚОЛЛАР СЕМАНТИКАСИ ВА СТРУКТУРАСИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.3.PhD/Fil1386 рақам билан рўйхатга олинган:

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Термиз давлат университетидида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdchti.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Маханбет Джусупов
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ризаев Баҳодир Хайдарович
филология фанлари доктори, профессор

Жўрасва Бибиш Мухсиновна
филология фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот: Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузурдаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» 4 июл соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 34 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2021 йил 06 июл куни тарқатилди.
(2021 йил «05» 07 даги № 20 рақамли реестр баённомаси)



И.М. Тухтасинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.С. Ашуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Ш. Сафаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий жамиятнинг фаоллашуви тилшуносликда паремиологиянинг таркибий қисмларидан бири – дунё халқларнинг маънавий бойлиги – мақолларнинг лексик-семантик, синтактик, бадий-поэтик ўзига хос жиҳатлари ва типологик хусусиятлари аҳамиятини янада ортишига сабаб бўлмоқда. Илғор олий таълим муассасалари ўз дастурларидаги турли этнослар маданияти ва тилини ўрганишда уларнинг лингвомаданий хусусиятларини ифода этувчи мақоллар комплексидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Халқаро миқёсда тилшунослик илмий мактаблари, марказларида фразеология, паремиология, қиёсий паремиология, лингвокультурология масалаларини назарий ва илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу илмий ишларда мақолларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, қардош, қардош бўлмаган тиллардаги паремияларни қиёсий-типологик асосда таҳлил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса барча тилларда оила ва оилавий муносабатларни ифодалаш учун ўзига хос паремияларни қўллаш, турли системали тилларда “оила” бош лексемали мақолларни ўрганиш амалиётини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикасида филология фанини ривожлантириш, тилнинг ёшларнинг ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрнини ошириш, миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш, оила ва унга доир тил бирликларини илмий-амалий тадқиқ этиш соҳасида ислохотлар ўтказилмоқда. Мамлакатда ўзбек тилини янада ривожлантириш чораларида “Олий таълим тизимида ўзбек тили илмий мактабларининг замонавий методларини ўрганишни йўлга қўйиш, тилнинг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада паремия, мақол, матал, фразеологик бирлик каби тушунчаларнинг таҳлили паремиологик бирлик сифатида мақол мақомининг жаҳон паремиологиясида, жумладан, инглиз ва ўзбек тилшунослигида ўрганишда, ушбу тиллардаги мақол, матал ва фразеологик бирликларни қиёслаш, мақолларни гуруҳларга тақсимлашда, инглиз ва ўзбек тилларидаги “оила” бош лексемали мақолларнинг лингвомаданий мазмунини очиб беришда, паремияларнинг структуравий хусусиятларини ҳар икки тилнинг синтактик қурилиши нуктаи назаридан кўриб чиқишда, қиёсланаётган тилларда мақолларнинг статистикасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сонли Фармони. Ўзбекистон Қонун ҳужжатлари тўплами. 06/20/6084/1398.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш сифатини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 610-сон Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мақол ва маталларни қиёсий-типологик хусусиятларига оид муаммолар И.Бегмуродов, Р.А.Латипова, И.К.Мирзаев, А.Нарзиқулов, Е.В.Иванова, Б.Т.Кашароков, В.В.Павлов, З.А.Юсупова, Е.А.Ошева, Л.А.Бабитова, О.Ш.Игболов, М.Темирова, Р.У.Мажидова² каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Бу каби илмий ишлар, мақол ва маталлар тадқиқотнинг назарий жиҳатдан мустаҳкам асосга эга эканлигини кўрсатади.

² Бегмуродов И. Узбекско-казахские фольклорные связи: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 21 с.; Латыпова Р.А. Нормы речевого поведения в зеркале английской и башкирской паремии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2003. – 17 с.; Мирзаев И.К., Нарзикулов А. Французча мақол ва маталларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари. Ўқув қўлланма. – Самарканд: СамДУ, 1981. – 67 б.; Иванова Е.В. Пословичная концептуализация мира: Дис. ... докт. филол. наук. – СПб.: СПб.ГУ, 2003. – 415 с.; Кашароков Б.Т. Пословицы русского, немецкого и кабардино-черкесского языков как источник изучения культурно-языкового сознания: структурно-семантический и лингвокультурологический аспекты: Дис. ... докт. филол. наук. – Краснодар: Кубанский ГУ, 2004. – 283 с.; Павлов В.В. Сравнительно-сопоставительный анализ структуры и семантики турецких и чувашских пословиц: Дис. ... канд. филол. наук. – Чебоксары: ЧГУ им. И.Н.Ульянова, 2004. – 164 с.; Юсупова З.А. Языковые аспекты реализации противопоставления в паремии (на материале французских, английских и русских пословиц): Дис. ... канд. филол. наук. – Уфа: БГУ, 2005. – 146 с.; Ошева Е.А. Лингвокультурная специфика паремиологического пространства (на материале русского и английского языков): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пермь 2013. – 21 с.; Бабитова Л.А. Английские и кабардино-черкесские пословицы и поговорки в прагмалингвокультурологическом аспекте: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2013. – 26 с.; Игболов О.Ш. Лексико-семантический анализ особенностей пословиц и поговорок в таджикском и английском языках (на материале "Маснавийи ма'нави" Джалолуддина Руми): Дис. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2017. – 166 с.; Темирова М. Ўзбек ва қирғиз фольклорида мақоллар муштараклиги. – Тошкент: Турон-икбол, 2016. – 131 б.; Маджидова Р.У. Антропоцентриқ мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида): Филол. фанлари докт. (Dsc) дисс. автореферати. – Фарғона, 2020. – 76 б.

Ўзбек тилшунослари Х.Абдурахмонов, Г.Н.Синдибаева, Н.Б.Сапарова, П.У.Бакиров, М.Джусупов, К.Е.Алибекова, Ш.Мажитаева, Б.Жўраева, Д.С.Турдалиевалар³ мақол ва маталларнинг қиёсий, ғоявий-бадий, лексик, лексик-стилистик, грамматик таҳлилига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Инглиз ва ўзбек тиллари бўйича қиёсий-типологик тадқиқотлар олиб борган олимлардан бири Ж.Бўроновдир⁴. Олим инглиз ва ўзбек тиллари бири-бирдан генеалогик (ёки генетик), типологик, ареал ва статистик жиҳатлардан фарқ қилишини кўрсатиб ўтади. Ў.Қ.Юсупов, А.А.Абдуазизов, Ф.М.Усманов, С.М.Зокирова, Ш.М.Жалолова, Н.Э.Абдуллаева, А.Д.Паизбекова, З.Р.Гулямова, Н.М.Жалгасовлар ишларида инглиз ва ўзбек тиллари турли аспектларда, жумладан паремиология соҳасида тадқиқ қилинган. Ш.С.Ашуров, Н.Н.Сувонова, И.Ш.Убайдуллаева, У.Халбаевалар⁵ изланишларида инглизча ва ўзбекча мақоллар қисман кўриб чиқилган.

³ Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: АН УзССР, 1964. – 18 с.; Абдурахманов Х. Особенности синтаксиса узбекского устного народного творчества: Дис. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1977. – 393 с.; Сындыбаева Г.Н. Структура и семантика номинацентрических пословиц тождества: Дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1998. – 118 с.; Сапарова Н.Б. Лингводидактические основы обучения студентов-казахов номинацентрическим пословицам русского языка: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 2001. – 24 с.; Бакиров П.У. Семантика и структура номинацентрических пословиц (на материале русского, узбекского и казахского языков). – Ташкент: Фан. – 2006. – 297 с.; Джусупов М., Алибекова К.Е., Мажитаева Ш. Специальная лексика и пословицы (лингвоконтрастивные и методические аспекты). – Ташкент: MERIYUS, 2013. – 138 с.; Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари / Б.Жўраева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 224 б.; Турдалиева Д.С. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Фарғона, 2018. – 141 б.

⁴ Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси (назарий курс). – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 284 б.; Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков: Учеб. пособие для пед. интов. – М.: Высш. шк., 1983. – 267 с.

⁵ Yusupov U.K. Ingliz tili grammatikisidan universal qo'llanma. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 374 б.; Юсупов Ў.Қ. Contrastive Linguistics of the English and Uzbek languages. Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштирма лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 278 б.; Юсупов У.К. Сравнительный анализ английских и узбекских сложноподчиненных предложений с придаточными условиями: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 19 с.; Абдуазизов А.А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. – Ташкент: Фан, 1981. – 183 с.; Усманов Ф.М. Синтактико-семантическое сопоставление двусоставных безглагольных предложений (на материале английского и узбекского языков): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент. – 2012. – 27 с.; Зокирова С.М. Синтактик сатҳ бирликларининг контрастив таҳлили // НамДУ илмий ахборотномаси – Научный вестник НамГУ. – 1019, №8. – Б. 251–255; Жалолова Ш.М. Инглиз ва ўзбек тилларида феъл турларининг чоғиштирма тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2019. – 62 б.; Абдуллаева Н. Э. Инглиз ва ўзбек халқ мақолларидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2019. – 52 б.; Паизбекова А.Д. Инглиз, рус, ўзбек ва козоқ тиллари мақолларидаги вақт репрезентациясининг лингвокогнитив аспекти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2019. – 52 б.; Гулямова З.Р. Антитеза в английских и узбекских паремиях // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2007. - №6. – С. 45-50; Жалгасов Н.М. Прагматические и лингво-культурологические особенности оценки человека в провербиальных образованиях (на материале английского, узбекского и каракалпакского языков): Автореф. дис. ... доктора философии (PhD) по филологическим наукам. – Самарканд: СамГИИЯ, 2020. – 59 с.; Ашуров Ш.С., Сувонова Н.Н. Инглизча, французча ва ўзбекча мақоллар ўртасида ассиметрик ҳолатлар // Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2013. – Б. 43–45; Убайдуллаева И.Ш. Мақолларда меронимиянинг берилиши // Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2013. – Б. 184–187; Халбаева У. Сравнительный анализ английских и узбекских пословиц, связанных с понятием “враг” // Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2013. – Б. 221–223.

М.А.Терпак, З.А.Биктагирова, Е.А.Кострубина, А.Рахмат, М.М.Имомзода, С.А.Рузиева, В.А.Деткова каби мутахассислар турли тиллардаги “оила” тушунчаси ва оилавий муносабатларга бағишланган паремиялар устида илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁶, бироқ инглиз ва ўзбек тилшунослигида “оила” бош лексемали мақолларнинг семантикаси ва структурасининг комплекс чоғиштира таҳлилига бағишланган монографик тадқиқотлар мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тилнинг лексик-семантик тизимини чоғиштира-типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари: диахрония ва синхрония” мавзусидаги илмий-тадқиқот доирасида бажарилган (ИТА-12-09-2012).

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги “оила” бош лексемали мақолларининг қиёсий-чоғиштира таҳлилини амалга ошириш ва шу асосда уларнинг универсал ва миллий ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паремия, мақол, матал, фразеологик бирлик каби тушунчаларни таҳлил қилган ҳолда тадқиқотнинг назарий асосини аниқлаш;

паремиологик бирлик сифатида мақол мақомининг жаҳон паремиологиясида, жумладан, инглиз ва ўзбек тилшунослигида ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги мақол, матал ва фразеологик бирликларни қиёслаш натижасида уларнинг структур, грамматик ўхшашлик ҳамда фарқли томонларини очиб бериш;

“оила” бош лексемали инглиз ва ўзбек мақолларини мавзуй таснифлаш ва семантик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, улар ўртасидаги лисоний-маданий номувофиқликларни ёритиш;

қиёсий-чоғиштира, квалитатив (сифатий) ва тематик (мавзуй) таҳлил асосида инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларни гуруҳларга тақсимлаш, уларни маданиятлараро мазмунига кўра турларга ажратиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “оила” бош лексемали мақолларнинг лингвомаданий мазмунини структуравий-синтактик сатҳда очиб бериш,

⁶ Терпак М.А. Английский лингвокультурный концепт "семья" и способы отражения его коннотативного содержания в языке: на материале семантического поля "Родственные отношения": Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самара, 2006. – 26 с.; Биктагирова З.А. Концепт "Семья" в паремиологии английского, турецкого и татарского языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 2007 – 24 с.; Кострубина Е.А. Гиперконцепт СЕМЬЯ/ДОМ – FAMILY/HOME в русской и английской лингвокультурах: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2011. – 20 с.; Рахмат А. Концепт семья в русской паремике. Лингвокультурологический аспект: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2013. – 24 с.; Имомзода М.М. Национальная специфика языковой объективации концепта «семья» в лексико-фразеологической и паремиологической системах таджикского и китайского языков: Дис. канд. филол. – Душанбе, 2017. – 192 с.; Рузиева С.А. «Оила» тушунчаси ва унинг инглиз ва ўзбек тиллари маданиятида акс этиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Самарқанд, 2020. – 52 б.; Деткова В.А. Гендерные отношения в семье как отражение национального менталитета (на примере русских и английских пословиц) // Наука, образование и культура. М., 2017. № 9 (24) – С. 32-37. URL: <http://cyberleninka.ru/>.

ўзига хос хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;

қиёсланаётган тиллар бўйича мақолларнинг статистикасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги мақол, матал, фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқот предметини паремиянинг мақоми, мақолнинг лисоний мавқеи, “оила” бош лексемали инглиз ва ўзбек мақолларининг семантик, структуравий ва чоғиштирма-типологик муносабатларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда компонент таҳлил, тавсифий-таҳлилий, чоғиштирма-қиёсий, статистик, аналитик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги мақол, матал, фразеологик бирликларнинг лексик-грамматик мақомини аниқлаш мезонлари уларнинг тузилиши, семантикаси, образлилиги, дидактиклиги каби ўзаро фарқловчи хусусиятлар таркибини аниқлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

инглиз ва ўзбек тилларида “оила” бош лексемали мақолларнинг чоғиштирма мазмуни икки халқ тарихи, менталитети, маданияти, ҳар хил динлар, географик жойлашуви билан боғлиқлиги каби лисоний-маданий номувофиқликларни белгилаш асосида очиб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “оила” бош лексемали мақолларнинг қиёсий-чоғиштирма, квалитатив ва тематик таҳлили орқали “Marriage/ уйланиш, эр (турмуш)га чиқиш ва никоҳ”, Family/оила”, “Kin/қариндошлар”, “Blood relatives/қон-қариндошлар”, “Relatives arising from the marriage of two people/икки инсоннинг никоҳи асосида пайдо бўладиган қариндошлар” сингари гуруҳларга тақсимланиши ва уларнинг маданиятлараро мазмунга кўра father of the son-in-law (қуда) father of the daughter-in-law (қудағай), sister-in-law (овсин), sister-wife (қундош), father-in-law (қайнота), brother-in-law (қайни, қайноға), son-in-law (кўёв), sister-in-law (янга), brother-in-law (почча, божа) каби турларга ажралиши исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “оила” бош лексемали мақолларнинг ифода планидаги структуравий-синтактик хусусиятлари declarative/дарак, interrogative/сўроқ, imperative/буйруқ гаплар, unextended sentence/йиғиқ содда гап ва extended sentence/ёйиқ содда гап, one-member sentence/бир таркибли гап, two-member sentence/икки таркибли гап, homogeneous parts of the sentence/уюшиқ бўлакли гап, personal sentence/шахсли гап, impersonal sentence /шахсиз гап, indefinite-personal sentence/шахси ноаниқ, conjunctive sentence/боғланган қўшма гап, олти турдаги эргаш гаплар каби аналогик конструкциялар ва ўзбек тилида adverbial clauses/ҳол эргаш гап ва содда гап шаклидаги мақоллар орасида инкор мазмунли паремиялар, инглиз тилида сабаб ва натижа муносабатини ифодаловчи боғланган қўшма гап, subject clauses/эга эргаш гап, predicative clauses/кесим эргаш гап, object clauses /тўлдирувчи эргаш гап, adverbial clauses of purpose/мақсад эргаш гап, adverbial clauses of manner/ўхшатиш эргаш гап шаклидаги паремияларнинг синтактик тузилишидаги фарқли томонлар фактик материаллар асосида

далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида “оила” бош лексемали мақоллар семантикаси ва структураси билан боғлиқ бўлган томонлари ва ўзига хос хусусиятларининг қиёсий таҳлили илмий-назарий аҳамият касб этиши ва “Тилшунослик”, “Лексикология”, “Услубият”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Қиёсий типология” каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига ёрдам бериши асослаган;

инглиз ва ўзбек тилларида “оила” бош лексемали мақолларнинг семантикаси ва структурасини таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган методиканинг қардош ва қардош бўлмаган тилларга хос бошқа типдаги паремияларини тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкинлиги далилланган;

“оила” бош лексемали паремиологик бирликларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёсий-чоғиштира таҳлили амалга оширилган;

мақол, матал ва фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари маданиятлараро мулоқот жараёнида фойдаланилиши ва ўрганилишида ишончли манба бўлиб хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илмий ёндашувлар, таҳлил методлари, тан олинган назариялар ва лингвистик концепцияларнинг қўлланилганлиги, таҳлилга тортилган катта ҳажмдаги фактик материал ва амалга оширилган тадқиқот натижаларининг диссертацион ишдаги назарий ҳолатларга мувофиқлиги, таҳлил ҳамда натижаларнинг асосланганлиги, ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда инглиз ва ўзбек тилларидаги мақоллар лингвистик методлар татбиқида қиёсий-чоғиштира аспектда таҳлил қилинган ва уларнинг структур-семантик хусусиятлари атрофлича очиб берилган ҳамда мақол, матал ва фразеологизмларга янгича ёндашув натижасида ушбу бирликларнинг компонент таркиби аниқланган, уларнинг структур-семантик белгиларини фарқлаш, таснифлаш муҳим бир босқич эканлиги асосланган, шунингдек, мақоллар ва бошқа паремияларнинг бундай йўналишдаги таҳлили тил бирликларининг семантикасини аниқлаш, уларни қиёсий-типологик жиҳатдан чоғиштириш ва тадқиқ этиш назариясини янада бойитишга хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, илмий ишда эришилган натижалардан “Назарий ва амалий грамматика”, “Қиёсий типология”, “Фразеология”, “Терминология”, “Лингвомаданият” каби фанларидан дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратишда, ушбу фанлардан назарий ва амалий машғулотлар олиб боришда, магистратура босқичида “Лингвистик тадқиқот методлари”, “Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари”, “Фразеологиянинг долзарб масалалари” каби йўналишларда махсус курсларни ташкил этишда, шунингдек, инглиз-ўзбек, ўзбек-инглиз икки тилли паремиологик луғатлар тузишда лингвистик манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши инглиз ва ўзбек тилларида паремия, мақол, матал ҳамда фразеологик birlikларнинг тадқиқи бўйича эришилган хулосалар асосида:

икки халқ мақоллари орасидаги тафовутларни солиштириб ўрганиш тўғрисидаги мулоҳазалардан ОТ-Ф-1-17-рақамли “Маънавий бегоналашувнинг олдини олишда шахс фаоллигини оширишни ижтимоий-педагогик тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4230-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларида “оила” мазмунини ифодаловчи зооним, орнитоним, фитоним, инсект (ҳашорат) компонентли мақолларнинг қўлланишига асос бўлиб хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг семантикаси ва структураси таҳлили ҳақидаги мулоҳазаларидан И-204-4-5-рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4230-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тилларидаги мақолларнинг семантикаси ва структураси таҳлили асосида қиёсий паремиологияга доир муаммоларнинг ечимини топишнинг янги йўналишларини очиб беришга хизмат қилган;

тадқиқотнинг мақоллар ҳақидаги мулоҳазаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими ҳузурида ташкил этилган ўқув семинарларида, адабий тадбирларда, ёш шоир ва ноширлар билан бўлган учрашувларда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 22 октябрдаги 01-03-06/823-сон маълумотномаси). Натижада ташкил этилган адабий семинар ва тадбирларда, ёш шоир ва ноширлар билан ўтказилган учрашувларда мақоллар ҳақида билдирилган мулоҳазалар ёш ижодкорлар томонидан зарур илмий-амалий манба сифатида қабул қилинган;

инглиз ва ўзбек оилаларининг фарқли ва ўхшаш томонларига оид мақоллардан Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг “We learn English” – “Инглиз тилини ўрганимиз”, “Адабиёт гулшани”, “Маънавият – қалб кўзгуси”, “Сўз сеҳри”, “Илм-маърифат зиёси”, “Мунаввар кун”, “Ижод завқи”, “Бир асар шарҳи” телекўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 22 октябрдаги 01/01-797-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотда қиёсий таҳлил этилган мақол, матал, фразеологик birlikлардан самарали фойдаланиш телекўрсатувларнинг сермазмун бўлишига ва уларнинг маънавий-маърифий мазмун билан бойитилишига хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида илмий маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган. Улардан 6 таси Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 12 таси республика ва хорижий илмий журналлар ҳамда тўпламларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 2 иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Тадқиқотнинг **“Паремия ва паремиология: тушунчалар, йўналишлар, терминология”** деб номланган биринчи боби уч параграфни ўз ичига олади. Биринчи параграф *“Паремия ва паремиология умумий ва чоғиштирма тилшуносликда тадқиқот объекти сифатида”* деб аталади. Диссертациянинг бу қисмида ҳар томонлама мураккаб лингвистик ҳодиса сифатида қараладиган *паремия* атамасининг маъноси ва мақоми бугунги кунда тўлиқ изоҳланмаганлиги ҳақидаги олимлар фикрлари таҳлил этилган.

Таъкидлаш жоизки, тушунчанинг таърифига нисбатан ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, М.Фасмернинг «Этимологический словарь русского языка» луғатида таъкидланишича, *паремия* сўзи “Таврот (“Ветхий Завет”)дан ўқиш учун танлаб олинган жойлар” маъносини англатади. Сўзнинг этимологияси “рамзли ҳикоя, мақол”⁷ маъносидаги юнонча *παροιμία* сўзига бориб тақалади. XIX асргача яратилган мумтоз луғатлар паремияни илоҳиёт (теология) жанрига киритади. XX аср бошида паремия атамаси ўзининг қадимги, бошланғич мазмунини йўқотади. “Муқаддас китобнинг рамзли ҳикояси” маъноси архаизмга айланади. Ҳатто лексикографлар ҳам уни XX асрнинг иккинчи ярмидан луғатларда ҳам қайд қилмай қўйишади⁸.

Паремия атамасига қизиқиш ўтган аср 70-йилларининг охирида

⁷ Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. В 4 т. Т. 3: Муза – Сят: ок. 5500 слов / М.Фасмер; пер. с нем. и доп. О.Н.Трубачёва. 4-е изд., стер. – М.: Астрель: АСТ, 2007. – С. 206.

⁸ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2-ое. стереотип. – М.: «Сов. энциклопедия», 1969. – 608 с.; Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов: Пособие для учителя. -3-е изд., испр. и доп. – М.: Просвещение, 1985. – 399 с.; Морковкин В.В, Богачева Г.Ф., Луцкая Н.М. Большой универсальный словарь русского языка / Гос. ин-т рус. яз. им.А.С. Пушкина; Под ред. В.В.Морковкина. – М.: АСТ-ПРЕСС КНИГА; Словари XXI века, 2016. – 1456 с.

паремиология фанининг пайдо бўлиши билан қайта тикланди. Паремиологик бирликлар ҳар хил нуқтаи назарлардан тадқиқ қилинди: паремия тушунчасининг ҳар хил таърифлари пайдо бўлди, ушбу муаммо бўйича фундаментал илмий ишлар ёзилди. “Шундай қилиб паремия атамасининг библиологик келиб чиқиши халқнинг ҳаётий донишмандлигига ҳам бориб тақалади. Кейинчалик паремиялар турмушда ҳам кенг қўлланила бошланди. Тилда халқ билимларини ташкиллаштириш, асраш ва репрезентация қилиш ноёб усули сифатида улар инсонларнинг кўплаб авлодлари онгида жамоавий ғайришуурий даражада тўла ҳукмронлик қилмоқда. Бунга уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари имкон беради”, – деб таъкидлайди М.А.Серёгина⁹.

“Паремия (юнон. *paroimia* “ҳикоя, мақол”) – контекст шароитлардан ташқари ҳамма сўзлашувчилар томонидан тушуниладиган мазмундаги фикр. <...> Улар тил универсалияларига тааллуқлидир ва дуёнинг ҳамма тилларида намунавий ҳаётий вазиятларни англатади, ўхшаш мантиқий мазмунга эга бўлади. Таққослаймиз: *Два медведя в одной берлоге не уживутся* (рус матали). *Два соловья не садятся на одну ветку* (турк матали) <...>”¹⁰. Луғатда келтирилган мақолларга қуйидаги мисолларни қўшиш мумкин: *You cannot have two forenoons in the same day* (Айнан бир кунда иккита тонг бўлмайди) (инглиз мақоли). *Бир қинга икки қилич сизмас* (ўзбек мақоли). *Екі қошқардын басы бір қазанга сыймайди* (Икки кўчқорнинг боши бир қозонга сизмайди) (қозоқ мақоли).

Ўрганилаётган термин ўзбек тилида иккита имло шаклига эга: парема ва паремия¹¹. Ҳ.Бердиёров ва Р.Расуловларлар фикрига кўра, “паремиологияда қуйма фикрни ифодаловчи энг майда бирлик п а р е м а деб аталади. <...> Бора-бора маълум бир формада “қотиб”, <...> тайёр ҳолдаги тил бирлиги сифатида ишлатилади”¹².

Паремия сўзи этимологиясининг таҳлили шуни кўрсатадики, у асосан панд-насихат ёки ахлоқий вазифани бажарувчи рамзли ҳикоялар билан боғлиқ. Филологик (лингвистик) атама сифатида ҳозирги маъносида кейинчалик қўллана бошлаган.

Иккинчи параграф “*Мақол – паремиологик клишенинг тур хили*” деб номланади. Паремиология билан шуғулланадиган барча олимлар *паремия* тушунчасига мақол ва маталларни киритишади. Бу тил бирликларининг асосий фарқлари: “Мақоллар шаклининг мукамаллиги, фикрининг теранлиги, мантиқан ва мазмунан тугалланганлиги билан ажралиб туради. Грамматик структура нуқтаи назаридан мақоллар (маталлардан фарқли равишда) икки ҳадлидир (биномдир): уларнинг биринчи қисмида маълум бир фактлар, воқеа-ҳодисалар таърифланади, иккинчи қисмида эса

⁹ Серёгина М.А. Паремии: теоретический анализ дефиниций /http://www.confcontact.com/20111118/paremii_teoreticheskij-analiz-definicij.php.

¹⁰ Стариченок В.Д. Большой лингвистический словарь. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – С.422

¹¹ Ўзбек тилидаги иккита орфографиядан биз томонимиздан *паремия* термини асосий термин сифатида қўлланилди.

¹² Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 6–8.

умумлаштирилади, хулоса қилинади”¹³. “Матал ибратли хусусиятга эга барқарор образли (ўткир) халқ ҳикматидир (аммо мураккаб ёки мураккаблашган гап эмас). Мақолдан фарқли ўлароқ матал бир ҳадли, мулоҳаза қисми бор, маълум бир умумлашма ва хулосага эга эмас, маъновий тугалланмаганлик, контекстли ва вазиятли сабаблар билан ажралиб туради”¹⁴.

Паремиология соҳасида жуда кўп тадқиқотлар бўлишига қарамай олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида “мақол” тушунчасига нисбатан ягона фикр йўқ. *Мақол* атамаси ўзбек тилида этимологияси бўйича “гапирмоқ, айтмоқ, ҳикоя қилмоқ” маъносини англатувчи араб тилидаги قول “қавл” сўзидан келиб чиққан¹⁵. “Мақол – халқ оғзаки ижоди жанри; қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантиқий тугал маъноли ҳикматли ибора, чуқур мазмунли гап. Муайян ритмик шаклга эга. <...> Мақол баъзан *масал, зарбул-масал, ҳикмат, ҳикматли сўз, танбеҳ, машойихлар сўзи, ҳикматли мақол, донишмандлар сўзи, оталар сўзи*¹⁶ каби номлар билан ҳам юритилади”¹⁷.

Мақол паремиологик клишенинг бир туридир, “яъни ё типик нутқий ва ҳаётий контекстларда, ёки маълум адабий йўналишда, шевада ва бошқаларда беихтиёр қайта тикланадиган сийқаси чиққан, бир қолипдаги ибора”¹⁸. Мақолнинг бу хоссаси М.Джусупов ва Н.Б.Сапаровалар¹⁹ томонидан ўрганиб чиқилган. Чет эл лингвистикасида “мақол ва матал (паремия)” маъносига эга *proverb* атамаси ишлатилади.

Тилшуносликда мақол ва матал паремияларнинг бир тури сифатида қайси соҳага тааллуқли эканлиги ҳақида ягона фикр йўқ. Шубҳасиз, улар халқнинг кўп асрлик тажрибаси билан тасдиқланган, панд-насихат, доноликни ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижодининг бир қисмидир. Ҳозирги пайтда мақол фразеологиянинг таркибий қисмидир, деган фикр устунлик қилади, аммо у мунозарали ва бир маъноли эмас.

Бобнинг учинчи параграфи “*Оила*” тушунчаси ва унинг халқ мақолларида ифодаланishi” деб номланади. Унинг биринчи кичик параграфида инглиз оилалари ҳақида фикр юритилади. Улар эскиликни сақлаб қолишга, тиклашга интилиши ва анъаналарга содиқлиги билан ажралиб туради. Англияда катта оила бўлиб яшаш ва қариндошлар билан узвий муносабатда бўлиш одат эмас. Инглиз *family* сўзи этимология жиҳатдан француз тилига бориб тақалади. Ҳозирги замон инглиз тилида у 5 та маънога эга²⁰. *Marriage, family, home bachelor, household, kin, kinsfolk,*

¹³ Стариченок В.Д. Большой лингвистический словарь. – С.458–459.

¹⁴ Ўша ерда. – С.445.

¹⁵ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1989. – С. 665.

¹⁶ Санаб ўтилган терминлар диссертациямизда “мақол” терминига синоним сифатида қўлланилди.

¹⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Конимех – Мирзоқуш. Таҳрир ҳайъати: Аминов М., Даминов Т., Долимов Т. ва бошқ. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – С.543.

¹⁸ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2-ое, стереотип. – М.: «Сов. Энциклопедия», 1969. – С.197

¹⁹ Джусупов М., Сапарова Н.Б. Пословица как вид паремиологических клише // ВЕСТНИК Каз. гос. университета им. Аль-Фараби. Филологическая серия, №7/41/, Алма-Аты, 2000. – С.20-25.

²⁰ Hornby A. S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary of Current English, 7th edition, Managing Editor Joanna Turnbull; Principal Editor Diana Lea; Senior Editor Dilys Parkinson; Editors: Patrick Phillips, Ben Francis,

kinsman, relation, relatives, blood, folks, father, mother, parents, grandmother, grandparents, brother, sister, grandchildren, aunt, uncle, husband, wife, woman, housewife, lover, stepmother, children, baby, son, daughter, orphan, widow, mother-in-law, daughter-in-law, sister-in-law, dower лексемалари оила ҳақидаги инглиз мақолларининг асосий компонентлари сифатида учрайди.

Иккинчи кичик параграфда ўзбек оилалари ҳақида сўз боради. Ўзбекистонда оила муқаддас ҳисобланади. У – дахлсиз, жамиятнинг бебаҳо қадрияти, бойлиги. Ўзбек оиласи инсоннинг дунёга келиши, вояга етиши, тарбияси бешигидир. Ўзбек тилида *оила* сўзи полисемантик лексема. Асли у араб тилидан кириб келган. Арабча *عائلة* ('ā'ila) нинг луғавий маъноси – “бола-чақа, хонадон; уруғ, авлод”. Ўзбек тилида “оила” паремиологик майдонини *уйланиш, эр (тушмуш)га чиқиш, никоҳ, оила, рўзгор, уй, пушт, жон, ўз, хеш, жигар, томир, уруғ, тухум, туққан, туғишган, оғайни, уруғ-аймоқ, киндикдош, томирдош, ота, падар, она, ота-она, бобо, момо, бува, ака, ука, ога, уни, ога-уни, опа, сингил, эгачи, невара, тоға, хола, амма, жиян, эр, чол, йўлдош, хотин, кампир, эр-хотин, ёр, ўгай, ўйнаш, икки хотинлик, қўш хотинлик, кундош, қуда, овсин, бола, фарзанд, ўгил, қиз, етим, бева, есир, қайнона, қайната, қайни, қайноға, қайинэгачи, қайнсингил, келин, куёв, янга, почча, бож* лексемали халқ мақоллари ташкил этади.

Ҳар иккала тилда оила бош лексемали паремиялар қаторига мазмунан бир хил ёки яқин бўлганлиги учун баъзи зооним, фитоним, орнитоним ва инсект (ҳашарот) компонентли паремиялар ва *оила* лексемаси иштирок этмаган, лекин мазмуни билан “оила” тематик гуруҳига кирувчи инг. *Better unborn than unbred* (Тарбиясиз бўлгандан кўра туғилмаган яхшироқ), ўзб. *Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас* каби нақллар ҳам киритилди.

Диссертациянинг “**Инглиз ва ўзбек тилларида “оила” бош лексемали мақоллар семантикасининг чоғиштирма таҳлили**” деб номланган иккинчи боби 5 параграфдан иборат. Маълумки, мақоллар маъно ёки мазмун (*content-plane*) ва ифода (*expression-plane*) планига эга. Тўпланган фактик паремиологик материал инглиз ва ўзбек халқ мақолларини куйидаги тематик гуруҳларга бўлишга асос бўлади: 1. *Marriage/уйланиш, эр (тушмуш)га чиқиш* ва *никоҳ* билан боғлиқ мақоллар. 2. *Family/оила* мазмунли мақоллар. 3. *Kin/қариндошлар* ҳақидаги мақоллар. 4. *Blood relatives/қон-қариндошлар* тўғрисидаги мақоллар. 4.1. *Father/ота, mother/она* лексемали мақоллар. 4.1.1. *Father/ота* лексемали мақоллар. 4.1.2. *Mother/она* лексемали мақоллар. 4.1.3. *Father and mother (parents)/ота ва она (ота-она)* лексемали мақоллар. 4.2. *Grandfather/бобо, grandmother/момо (буви)* лексемали мақоллар. 4.3. *Relatives/туғишганлар* тўғрисидаги мақоллар. 4.3.1 *Brother/ака* ёки *ука* лексемали мақоллар. 4.3.2. *Sister/опа, сингил, эгачи* лексемали мақоллар. 4.4. *Grand-children/набира* лексемали мақоллар. 4.5. *Uncle/тоға, aunt/хола, амма, nephew/жиян* лексемали мақоллар. 5. *Relatives arising from the marriage of two people/икки инсоннинг никоҳи асосида пайдо бўладиган қариндошлар*

тўғрисидаги мақоллар. 5.1. Husband/эр, wife/хотин лексемали мақоллар. 5.1.1. Husband/эр лексемали мақоллар. 5.1.2. Wife, woman, housewife/хотин, аёл, кампир лексемали мақоллар. 5.1.3. Husband and wife/эр ва хотин (эр-хотин) лексемали мақоллар. 5.2. Lover/ёп лексемали мақоллар. 5.3. Stepmother/ўғай лексемали мақоллар. 5.4. Lover /ўйнаш, bigamist/икки хотинли, sister-wife/кундош лексемали мақоллар. 5.5. Father of the son-in-law/қуда, father of the daughter-in-law/қудағай, sister-in-law/овсин лексемали мақоллар. 5.6. Children/болалар, фарзандлар, baby/ёш бола, гўдак лексемали мақоллар. 5.7. Son /ўғил, daughter/қиз лексемали мақоллар. 5.7.1. Son /ўғил лексемали мақоллар. 5.7.2. Daughter/қиз лексемали мақоллар. 5.7.3. Son and daughter/ўғил ва қиз лексемали мақоллар. 5.8. Orphan/етим лексемали мақоллар. 5.9. Widower/бева, widow/есир лексемали мақоллар. 5.10. Mother-in-law/қайнона, father-in-law/қайнота лексемали мақоллар. 5.11. Brother-in-law/қайни, қайноға, sister-in-law/қайнсингил, қайинэгачи лексемали мақоллар. 5.12. Daughter-in-law/келин, sister-in-law/янга, son-in-law/куёв, brother-in-law/почча, божа лексемали мақоллар.

Таҳлил учун паремиологик бирликлар ялпи танлаш методини қўллаган ҳолда турли хил паремиологик луғатлар ва тўпламлардан териб олинди²¹. Инглиз тилида таҳлилга тортилган паремиялар сони 324 та. Ўзбек тилида уларнинг салмоғи кўпроқ – 1300 та.

Инглиз ва ўзбек мақоллари мазмун нуқтаи назаридан ўхшаш ва фарқли томонлари билан характерланади.

Халқ тажрибаси ва кузатишлари натижасида пайдо бўлган мақоллар қайси вақтда уйланиш кераклиги ҳақида фикрларни ўзида мужассам этган: инг. *Marry in May, rue for aye* (Май ойи уйлансанг, бир умр афсус қилиб юрасан); ўзб. *Ҳайитда хотин олма, ёмғирда йилқи олма*.

Инглиз этноси ҳам, ўзбек халқи ҳам онанинг муқаддаслигини, унинг фарзанд учун буюк зот эканлигини тасдиқлайди: инг. *A man's mother is his other God* (Инсон учун она – иккинчи Худо); ўзб. *Она оламнинг фахридир*.

²¹ Cambridge Advanced Learners' Dictionary, 2006. – 1129 p.; Hornoby A. S. Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English, 7th edition, Chief editor SallyWehmeier, Editors: Colin McIntosh, Joanna Turnbull; Phonetics editor Michael Ashby. – Oxford, New York, 2005.; Маргулис А., Холодная А. Русско-английский словарь пословиц и поговорок | Russian-English Dictionary of Proverbs and Sayings. – McFarland & Company, Inc., Publishers Jefferson, North Carolina, and London, 2000. – 487 с.; Райдаут Р., Уиттинг К. Толковый словарь английских пословиц. – СПб.: Лань, 1997. – 256 с.; 1000 english proverbs [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://suratiundhiyu.files.wordpress.com/2011/02/1000-english-proverbs.pdf>.; Speake J. The Oxford Dictionary of Proverbs (Oxford Quick Reference) / J. Speake. – 6th Edition. – Oxford University Press, 2015. – 416 p.; Васильева Л. Краткость – душа остроумия. Английские пословицы, поговорки, крылатые выражения. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2006. – 350 с.; Митина И.К. Английские пословицы и поговорки и их русские аналоги. – СПб.: КАРО, 2006. – 336 с.; Ўзбек халқ мақоллари (2 томлик) / (Масъул муҳаррирлар: Мирзаев Т., Саримсоқов Б.). – Тошкент: Фан, 1987. Т.I. – 368 б.; 1988. Т.II. – 373 б.; Ўзбек халқ мақоллари (тўплам) / Тўпловчилар: Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Мусоқулов А. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1989. – 512 б.; Ўзбек халқ мақоллари / Ёзиб олувчилар ва тўплаб нашрга тайёрловчилар: Худойбергенов С., Афзалов М., Иброҳимов С. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 288 б.; Қанотли сўзлар: Мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар / Тўплаб нашрга тайёрловчи Сиддиқов Э. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 256 б.; Ўзбек халқ мақоллари / Тузувчилар: Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. Масъул муҳаррир: Турдимов Ш. – Тошкент: Шарқ, 2003 – 512 б.; Proverbs – Maqollar – Пословицы / Tuzuvchilar Karamatova K.M., Karamatov H.S. – Toshkent: Mehnat, 2000. – 400 b.; O'zbek xalq maqollari (Tuzuvchilar: Mirzaev T., Musoqulov A., Sarimsoqov B.). Masul muharrir: Turdimov Sh. – Toshkent: «Sharq», 2013. – 512 b.

Инглизлар ва ўзбекларнинг фикрича, хотин эр шарофати орқали – ҳар томонлама яхши хотин: инг. *Wife must be above suspicion, Caesar's* (Цезарнинг хотини шубҳадан ҳоли бўлиши шарт), ўзб. *Хотин эр орқасидан – хотин, хоним хон орқасидан – хоним*.

Инглиз ва ўзбек мақолларида ўғай она – жуда золим, фарзандларни жазоловчи, бемехр, ғам-андуҳ келтирувчи кимса: инг. *Take a heed of a stepmother: the very name of her sufficeth* (Ўғай она билан эҳтиёт бўлинг: унинг номининг ўзи етарли), ўзб. *Онанг ўғай бўлса, отанг ўзингники эмас*.

Ёш бола – уйдаги қувончнинг сабаби: инг. *A baby in the house is a well-spring of pleasure* (Уйдаги бола – хурсандлик манбаи); ўзб. *Фарзандим – асалқандим*.

Мақолларда келин ва қайнона образлари бир-бирига қарама-қарши қўйилади: инг. *Mother-in-law and a daughter-in-law are atempest and a hail storm* (Қайнона ва келин – довул ва пўртана (пўртана – кучли денгиз тўлқини), ўзб. *Келин билан қайнана – ўт билан сув*.

Инглиз ва ўзбек халқ мақоллари мазмунидаги фарқли томонлари қуйидагилардан ҳолатлар ёрдамида баён қилинган.

Англияда юзага келган анъаналарга мувофиқ, никоҳ тузган жуфт дарров ота-оналардан ажралиб чиқади ва алоҳида яшай бошлайди. Маълумки, ўзбек халқида умумий ҳовли (уй)да бирданига бир неча авлод яшаши мумкин. Ғарбликлар жамоавийликни тушуна олмайди. Бундай ёндашувни инглизлар хусусий ҳаёт дахлсизлигининг бузилиши деб ҳисоблашади: *No roof can cover two families* (Икки оила бирга яшай олмайди). Ўзбеклар ўз мақоллари орқали *Барака – кўпчилликда; Ёлғиз уйда қозон қайнамас* деб уқтиришади.

Алоҳида инглиз мақолларида қариндошларнинг географик жиҳатдан яшаш жойининг қаерда жойлашганлиги эътиборга олинган, чунки қариндош қанча узоқда яшаса, маънавий муносабатлар шунчалик яқин бўлиши тасдиқланади: *Love your relations but live not near them* (Қариндошларингни сев, аммо уларга яқин яшама). Ўзбек миллатида қарама-қарши дунёқараш, яъни кўришиб турмайдиган қариндошлар узоқлашиб кетишади: *Борсанг – қариндош, бормасанг – бегона*.

Инглиз паремиялари орасида фарзандли аёл билан боғлиқ мақоллар учрамади. Ўзбек халқида фарзандли хотин қадрланади, аёлнинг гўзаллиги унинг фарзандига боғлиқ: *Болали хотин – гул хотин, боласиз хотин – тул хотин; Қўй қўзичоғи билан чиройли, хотин чақалоғи билан*.

Хотин тўғрисидаги қадимги инглиз мақолларнинг баъзи бирларида аёлларни калтаклаш ҳақида фикр юритилади: *Women, like gongs should be beaten regularly* (Аёлларни бонг ургандек мунтазам уриб туриш керак). Ўзбек нақлларида аёлларни уриш ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатма кузатилмайди. Баъзи бир мақолларда ёмон, нодон, ўғри одамларни, жумладан, салбий хислатли аёлларни ҳам, калтак орқали тарбиялаш керак деган ишора бор: *Нодонга калтак – донога шпорат; Ўғри ўзига ўртоқ тилар, ёмон ўзига калтак тилар*.

Инглиз мақоллари орасида *sister-wife* (кундош) лексемали мақоллар учрамади. Ўзбек нақлларида кундошлар оғрикқа, тошга, кўздаги ёшга,

жанжалга, кулфатга, ўт (олов)га, уришга, ғашликка қиёсланади: *Кундош – бошингда тош, кўзингда ёш.*

Инглиз паремилоник луғатларида *father of the son-in-law* (қуда), *father of the daughter-in-law* (қудағай), *sister-in-law* (овсин) лексемали мақолларига дуч келинади. Улар ўзбек тилида талайгина: *Қизли уй қудасиз бўлмас; Овсинлар иноқ бўлса, оға-инилар чиноқ бўлмас.*

Инглизлар ўз болаларига нисбатан жуда қаттиққўл бўлишлари кузатилади. Лекин улар ҳайвонларга нисбатан меҳрибон. Кўчаларда бола ўрнига кучукларни кучоқлаб кўтариб юришади ва ўзининг итини севимли оила аъзоси деб ҳисоблашади. Шунинг учун уларнинг турмуш тарзига *Love me, love my dog* (Мени севсанг – менинг итимни ҳам сев) мақоли сингиб кетган. Фарзандларнинг ўзлари ҳам улғайиб, оила қуриб, фарзандли бўлгандан кейин болаларига худди шундай муносабатда бўладилар. Болалар ота-оналарини қариялар уйига топшириб юборишни андиша ҳисоблашмайди. Ўзбекларда қарама-қарши фикр. Мақолнинг таъкидлашича: *Отасини оғритган эл ичида хор бўлар, онасини оғритган парча нонга зор бўлар.*

Англияда алоҳида ҳолатларда болалар тарбиясида жисмоний жазо, яъни калтаклаш қўлланилган: *Spare the rod and spoil the child* (Хипчинга раҳминг келса, болани бузасан); *The rod breaks no bones* (Калтаклашдан суяги синмайди). Ўзбек мақолларида болага бевосита жисмоний жазо бериш кузатилмайди, фақатгина ёмон болалар калтакланиши мумкин деб, огоҳлантирилади: *Яхшининг қурбони бўл, ёмонни калтаклаб ур; Калтак билан айиқ мулла бўлар.*

Инглиз халқида “қиз бола – бузиладигин товар” ҳисобланади, уни тезроқ эрга бериш жуда зарурлиги таъкидланади: *Marry your daughters besttimes, last they marry themselves* (Қизингизнинг ўзи эрга тегмаслиги учун уни тезроқ эрга беринг). Паремияларда қизлар “dead fish” (ўлик балиқ) ва “some possession to her father” (отага ташвишли мулк)ка таққосланади: *Daughter and dead fish are no keeping wares* (Қизлар ва ўлик балиқ узоқ сақланмаслиги керак); *A daughter is a trouble some possession to her father* (Қиз бола ота-онанинг жуда кўп ташвиш келтирадиган мулкидир). Ўзбек халқида қиз гулга, лолага, қушга, парига, кўркка, зийнатга, унинг кўнгли тандирга қиёсланади: *Қиз – уйнинг гули; Бўй қиз – учирма қуш; Қиз бола – уй зийнати; Қиз кўнгли – қизиган тандир.*

